



25«11»2022 yil.

647-13-194-MT/2022-son

PUDRAT SHARTNOMASI ✓: 5

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Элликкальъа тумани МТБ номидан Низоми асосида иш кўрувчи Ж.Балтаев бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Исламбай Рейимов МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи И.Рейимов иккинчи томондан, МТБга карашли 15 мактабгача таълим ташкилотини казонхоналарини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва обектни фойдаланишига тайёрхолда куришга доир пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар кўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилған ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлик тўғрисида ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

курилиш майдони- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича “Буюртмачи” томонидан “Пудратчига” берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вактинчалик иншоотлар -пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар -сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш -ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II- ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига МТБга карашли 15 мактабгача таълим ташкилотини казонхоналарини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишига тайёр ҳолда куриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III- ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «18» ноябрдаги лот 188928-сонли байённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмалар, ККС 15% 9 782 608,70(Тўққиз миллион етти юз саксон

икки минг олти юз саккиз) сүм 070 тийинни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 75 000 000 Етмиш беш миллион) сүмни ташкил этади.

4.Ишлар киймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмес, куйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Курилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;  
Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда;

5.Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибида амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўргасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқкурилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

Курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номива манзили тұғрисида хабардор қилиш;

Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

Курилиш таваккалчиларини суғурта қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объекти фойдаланиншга қабул қилиб олиш тұғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари,транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Курилиш майдонини қўрикланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқхажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объекти фойдаланиншга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### V.БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага, иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объекти курилиши ва курилиш тугалланунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқхажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10.Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

- кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома конун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;
11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
12. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган қурилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 90 кунни ташкил этади.
13. Мазкур шартома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. ТЎЛСВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюргачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдорида аванс ўтказади, бу 22 500 000 (Йигирма икки миллион беш юз минг) сўм 0 тийинни ташкил этади, қолган 70% яъни 52 500 000 (Эллик икки миллион беш юз минг) сўм 0 тийин маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади.

#### VIII..ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита тасир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
17. Агар енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюргачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидилар.
18. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

19. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

20. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюргачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюргачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюргачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

22. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюргачининг мулкига айланади.

#### X.КАФОЛАТЛАР

23. Пудратчи:  
барча ишлар тўликхажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини; ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларини кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вактида бартараф килишини; объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

#### XI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Пудратчи объектни ўз вактида ишига тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюргачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматиниг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюргачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюргачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг

0,5% миқдорида пеня тұлайди, бунда пеняның умумий суммасы сифатсиз бажарылған ишлар қийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.

Пеня тұлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар құрсағышнинг кечикиши туфайли етказилған заарларни қоллашдан озод қилмайды.

25.Агар бажарылған ишлар сифати белгіланған стандартларга, қурилиш мөйерлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофик бұлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқуришназорат» инспекциясининг холосасы асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тұлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бұлмаган ишлар қийматиниг 0,5 % миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига ега.

26.Шартнома бүйіча мажбуриятлар бажарылғанлығы учун мазкур моддада назарда тутилған жазолардан ташкари шартноманы бузған томон иккінчи томонға бошқа томон тарағыдан қилинған ҳаражатларда, мол-мұлкнинг йүкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан берилған фойдада ифодаланадыған пеня билан қолланмаган заарларни қолрайды.

27.Муддат үтказыб юборылғанлығы ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарылғанлығы учун пеня тұлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қилмайды.

28.Етказыб берилған товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини үз вактида тұламаганлық учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказыб берувчига үтказыб юборылған ҳар бир күн учун кечиктирилған тұлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилған тұлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бұлмаган миқдорида пеня тұлайды.

## XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

29.Шартноманы бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилған заарларни қоллашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгіланған тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## XIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.

30.Ҳар бир тараф шартнома тузилған пайтда бевосита үзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан куйидагиларни кафолатлайды: конунга хилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмеганлыгини; шартнома тузилиши эвазыга норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл кўйилмеганлыгини, таклиф этилмеганлыгини, уларни беришга ваъда килинмеганлыгини; моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмеганлыгини.

31.Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинған шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юкоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

32.Тарафлар уларнинг назорати остида бўлған ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юкоридаги мажбуриятлар бузилғанлығи ҳолатлари ҳақида хабар берилганини учун уларга тазиқ үтказилмаслигини кафолатлайды.

33.Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинған шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмеганда, иккінчи тараф шартномани бир тарафлама тұхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни қоллаб беришни талаб қилишга ҳакли бўлади

## XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

34.Мазкур шартнома имзоланғандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлған томонлар үргасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг үзаро келишувлари үз кучини йўкотади.

35.Ушбу шартнома туман “Ғазначилик” бўлинмасида рўйхатдан үтган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабргача үз кучида қолади.

36.Мазкур шартномада назарда тутилмеган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.

37.Шартномага киритиладиган ҳар қандай үзгартериш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг мухри ва имзоси билан тасдиқланған хужжат асосида бўлади.

38.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга ега бўлған (3 нусхада) тузилди.

## XV. ТОМОНЛАРНИҢ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

«БЮОРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
Элликқалъа туман МТБ	ISLAMBAY REIMOV МЧЖ

Манзил: Бустон ш Тел./факс 585 14 -72 ш/х*100 022 860 352 507 091 100 251 047	Манзили: Элликқалъа тумани Тел факс 97-059-95-00
бюджетдан маблаг олуучи	х/р: 2020 8000 5050 5500 4001
СТИРи 207 267 646 ОКОНХ 92310	Банк номи: Халк банк Элликкальға ф.
Фазначилик бўлинмаси номи	ИНН: 306 325 129 МФО: 00646
Элликкальға Фазначилик бўлинмаси	ОКОНХ:
Фазна х/в 23 402 000 300 100 001 010	
Банкнинг номи МБТШББ МФО 00014	
фазначилик бўлинмаси СТИРи 201 122 919	
Рахбари:  Ж. Балтаев	Рахбари:  И. Райимов

	<b>Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.</b> Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun <b>QR</b> Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	DJAVLONBEK BALTAYEV KABULJANOVICH
	Imzolangan sana	25.11.2022 13:30
	Hujjat kodi	<b>FK0303207628</b>
	Hulosa kodi	<b>SZ7778514022</b>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**SZ7778514022**

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Noyabr kurilish 10**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Ellikqal'a tumani  
Maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan 25.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish  
maqsadga muvofiq.

**Ellikqal'a tumani  
yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**F.A.Jumaniyazov**

25.11.2022

"ТАСДИКЛАЙМАН"  
Элликъалъа тумани мактабгача таълим  
бўлими мудири  
Ж.Балтаев

« 24 » ноябр 2022 йил

Товар-материал заҳираларни хамда ишларни (хизматларни) сотиб олиш бўйича»  
энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган танлаш комиссиясининг  
2 -сонли мажлис баённомаси

2022-йил « 24 » ноябр

саат \_16\_ : \_30\_

Буғон шахри

Комиссия раиси

Туркменбаев Эркинбай Курамбаевич  
(Ф.И.Ш.)

Мактабгача таълим бўлими хужалик мудири  
лавозими

Комиссия аъзолари

Моминов Хурсанд Аминбаевич  
(Ф.И.Ш.)

Мактабгача таълим бўлими эксплуатация бўлими бошлиғи  
лавозими

Сабиров Укташ Абдуллаевич  
(Ф.И.Ш.)

Мактабгача таълим бўлими бош хисобчиси  
лавозими

Султанов Аллояр Зарипбаевич  
(Ф.И.Ш.)

Мактабгача таълим бўлими мухандиси  
лавозими

Хакимбаев Мансуржон Ахмедович  
(Ф.И.Ш.)

Мактабгача таълим бўлими шартнома бўлим хисобчиси  
лавозими

Нурмаҳашев Бекзод Сакен Ҳули  
(Ф.И.Ш.)

Мактабгача таълим бўлими кадрлар бўйича мутахассис  
лавозими

#### КУНТАРТИБИ:

танлаш комиссияси котиби танлаш комиссиясига кўйидаги маълумотларни берди:

Ушбу энг яхши таклифи танлаб олиш мактабгача таълим бўлимининг бюджет маблағлар хисобидан 15-сон мактабгача таълим ташкилоти казонхоналарини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Ўзбекстан Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари таъсисида"ги низомнинг (текстда кейинги ўринларда - Низом)

58-моддасига мувоғик энг яхши таклифи танлаб олиш ўтказилиши хақидаги портала (http://dxarid.uzex.uz/) эълон танлаш қатнашувчиларининг қабул қилиш муддати якунига 5 (беш) иш куни олдин давлат бўйротмаси томонидан шахсий кабинет оркали 2022 йил 18 ноябр куни 188928-сонли лот жойлаштирилди.

Шундан, энг яхши таклифларни олиш ўтказилишидаги эълон (http://xarid.uzex.uz/) сайтинда жойлаштирилди.

Танлаб олиш бошланғич суммаси: 75 158 557,00 сўм

Шу муддатларда ўзининг тижорат таклифларини кўйидаги қатнашувчилар топширди:

Таклифларни баҳолаш

№	Товар (иш, хизмат) номи	танлашнинг бошланғич суммаси:	(сумда)		
			Қатнашувчиларнинг тижорат таклиф суммаси		
1.	15-сон мактабгача таълим ташкилоти казонхоналарини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш	75 158 557,00	75 000 000,00	75 100 000,00	
ЖАМИ:			75 000 000,00	75 100 000,00	

Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари хақида"ги Низоми талабларига хамда юқорида кўрсатилган маълумотларни хисобга олиб танлаш комиссияси

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Исламбой Реймов МЧЖ 15-сон мактабгача таълим ташкилоти казонхонасини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича ўтказилган танлашда (ҚҚС билан бирга) танлаш ғолиби деб топилсин.
- Голиб танлаш шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги қатнашувчига (резерв) ўтиб, кейинги корхонаси белгилансан. Бунда голиб қатнашувчи таклиф қилган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.
- Низом талабларига мувоғик танлаш қатнашувчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш хам баҳолаш муддати таклифлар бериш куни тугашидан 10 (үн) иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсан.
- Мактабгача таълим бўлимининг бош хисобчisi Сабиров Укташ Абдуллаевич танлаш якуни бўйича расмийлаштирилган баённомани давлат харидлари порталаига мухокама учун 2 (икки) иш кунига жойлаштириш топширилсин.
- Танлаш комиссияси котиби ушбу танлашга тегишли барча ҳуқуқатлари белгиланган тартибда саклаш таъминлансан. Мактабгача таълим бўлими бош хисобчisi Сабиров Укташ Абдуллаевич ушбу 2 (икки) иш куни ичida 15-сон мактабгача таълим ташкилоти казонхонасини жорий таъмирлаш ишлари учун катнашувчилари томонидан ўтказилган танлаш натижалари бўйича бошқа пурдатчи ташкилотлардан эътиrozлар келиб тушмади, голиб ташкилот Исламбой Реймов МЧЖ деб топилди ва шу корхона билан шартнома тузиленсан.

Комиссия раиси

(имзо)

Туркменбаев Эркинбай Курамбаевич  
(Ф.И.Ш.)

Комиссия аъзолари

(имзо)

Моминов Хурсанд Аминбаевич  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Сабиров Укташ Абдуллаевич  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Султанов Аллояр Зарипбаевич  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Хакимбаев Мансуржон Ахмедович  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Нурмаҳашев Бекзод Сакен Ҳули  
(Ф.И.Ш.)